

2034 йилга келиб Россия аҳолисининг 30% муслмон бўлади



11:00 / 06.03.2019 1642

Россияда муслмонларнинг кундан-кунга ошиб бораётганини маълум қилган Россия Муфтийлар кенгаши раҳбари Равил Гайнутдинов: “Экспертлар 15 йилдан кейин Россия аҳолисининг 30 фоизи муслмон бўлишини таъкидлашмоқда”, деди.

Гайнутдинов Россиядаги муслмонлар омили ислом динига кираётган русларнинг кўпайиши билан янада кўпроқ аҳамият касб этишини таъкидлади, деб хабар беради IQNA. У масжидларга келаётган намозхонлар сонининг мунтазам ошиб бораётганини, айнан шундай хулосалар чиқаришга асос бўлишини қайд этган. У ўтган Қурбон байрамида Москва шаҳридаги барча масжидларда 320 мингдан зиёд киши байрам намозига чиққанини ва бу рақам олдинги йилга қараганда анча ошганини эслатиб ўтган.

Islom.uz